

Муаззамхон Мирсаид кизи (1833, Хўжанд — 1917, Жиззах) — шоира. Муаззамхон ўзбек ва форс мумтоз адабиёти намояндаларининг ижоди билан чукур танишган, аруз вазнини мукаммал ўзлаштирган ва хар иккала тилда хам ижод килган.

Муаззамнинг 1000 мисрадан ортикрок девон тартибида тузилган газаллари ва синглиси

Муаттархон баёзига кирган шеърлари мавжуд. Унинг газаллари услубнинг равонлиги, фикрнинг равшанлиги, ифоданинг аниклиги билан ажралиб туради. Шеърларида давр, фалакдан норозилик садолари акс этган («Фалакнинг жавридиндур кўнглима озор хар соат...»). Аммо Муаззам «кўзидан хуноба окиб, хижрон хар тарафдан килич тортиб» келаётган дамларда хам «матонатли» бўлишга, «сабр-таксаммул» билан яшашга даъват килган.

## ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Эй сабо, арзимни айт охиста ул дилдорга,  
Хеч рахми келмади йўлида ётган зорга.

Илтимос этгил губори макдамидин зарраэ,  
Хоки пойи дору бўлгай бу тани беморга.

Шиддати заъфим била раглар сўнгакка чирмашиб,  
Хув савдосин чекар монанд ўлиб сеторга,

Кон ёшимдин кўрки домоним кизарди лоладек,  
Ахли диллар кўриб они ўхшатур гулзорга.

Маърифатни мевасин ёширгали дил богига,  
Ўткурибман кўп тикан монанд этиб симхорга.

Бул риёлик тасбихимни гулхан ичра кул килиб,  
Хам мусаллони гаров кўймас буту зуннорга.

Амри маъруфимни муикирдин агар килсан баён,  
Куфр айди деб йигилиб тортадурлар дорга.

Гам шамоли кўнглум аврокин паришон айлади,  
Бор умидим, элтибон кўрсатса деб дилдорга.

Хар кишини дўст деб сиррингни изхор айлама,  
Таъна тошидин алам етгай дили афгорга.

Кўнглими бўстони ичра хеч гул очилмади,

Кон ютубон гунчалар ўрнини берди хорга.

Вир гариби пуралам гам ноласини назм этиб,  
Тахрир этмиш, хеч ким олмас сотсалар бозорга.

Шумлигингдин, эй Муаззам, тортасан ранжу алам,  
Хеч дору нафъ килмас сан каби беморга.

\* \* \*

Эй фалак, мунча жафони манга эхсон айладинг,  
Хам хирад уйини буздинг, бесаранжом айладинг.

Кавкаби икболими идбора табдил айлабон,  
Толеимни нахс этиб, эл ичра бадном айладинг.

Хуш баланд парвоз эди рухим куши афсуским,  
Фитна айлаб золи дунё макрига ром айладинг.

Барчага жабр айласанг хам goх-гох таскин бериб,  
Бир гариба бошига кулфатни модом айладинг.

Токати тамкин тахаммул уйини горат килиб,  
Телбалардек сўзлатиб бесабру сомон айладинг,

Хар неча жаҳд айладим кирсам саодат йўлига,  
Йўл юрарда хар кадамда хирсни дом айладинг,

Барчани жоми муродини бериб ман хастага —  
Кисматим синган сополдек бир курук жом айладинг,

Хар жафо келса, Муаззам, холикингни хукмидур,  
Шиква айлаб бу фалакни мунча бадном айладинг?!

\* \* \*

Фалакнинг жабридиндур кўнглима озор хар соат,  
Жарохатлик кўнгилга санчилур кўп хор хар соат.

Жамолинг орзусида кизил гул олдига борсам,  
Тегар хар хордин кўнглимга юз озор хар соат.

Фирокингда бўлибман телбаэ, ўзимни билмайман,  
Чекарман нолаю фарёд мажнунвор хар соат.

Каю маҳлук кадам кўйса мани байтулхазонимга,

Килурман олдида васлингни хам такрор хар соат.

Кўзимдин уйкуни ихрож килди номи хижронинг,  
Анинг чун мен дамодам йигларам хунбор хар соат.

Фалак сокиси сунди жоми гам, ичдим йикилдим ман  
Гамим тугёнидин кайнаб чикар зангор хар соат.

Табиблар аиди: хижрон дардини доруси ўлмакдур,  
Анинг-чун мен бўлибман хажр илиа бемор хар соат.

Фалак мўмин бошига хеч гариблик солмасин асло,  
Гарибликда Муаззам тортадур озор хар соат.

\* \* \*

Ман бўлибман дўстлар хижронида  
Дилфиғору, дилфиғору, дилфиғор.

Бистари фуркат аро ётубдуман  
Бемадору, бемадору, бемадор.

Гар ўлиб кетсам бу хижрон чўлида  
Интизору, интизору, интизор.

Турбатимдин кон ютиб лола унар  
Хар баҳору, хар баҳору, хар баҳор.

Ииглаюрман бош уриб даргохингга  
Хар наҳору, хар наҳору, хар наҳор.

Дўст васлини тилаб килдим тавоф  
Хар мазору, хар мазору, хар мазор.

Ман килурман дўстдин келса хабар  
Жон нисору, жон нисору, жон нисор.

Зарра янглиг доимо титрар дилим  
Бекарору, бекарору, бекарор.

Ётадурмен байтулехзоним аро  
Хору зору, хору зору, хору зор.

Ўлганимдин сўнг дуода ёд этинг  
Дўсту ёру, дўсту ёру, дўсту ёр.

Колмади фарзандларимдин хеч нишон  
Ашкбору, ашкбору, ашкбор.

Бу Муаззам хастадилни раҳмат эт  
Кирдикоро, кирдикоро, кирдикор.

\* \* \*

Барча аъзошохисан, бўлма жафокор, эй кўнгул,  
Сан жафо килсанг раият топқай озор, эй кўнгул.

Тавсани фикрат миниб хар ёна чопсанг секратиб,  
Юрмаким, йўлда бўлур кўп деви маккор, эй кўнгул.

Акл вазирингдурки, килсанг маслаҳат хар корига,  
Бўладур бемаслаҳат иш анча душвор, эй кўнгул.

Бу вазиринг хар каён йўл бошласа хамроҳ бўл,  
Хар сўз айтса килмагин сўзига инкор, эй кўнгул.

Мардумаклар фитнаи гаммозликдур ишлари, —  
Тил надимин килмагил онлар билан ёр, эй кўнгул.

Санки шохсан тил била кўз сўзига тутма кулок,  
Тил эрур исми ва лекин заҳрлик мор, эй кўнгул.

Акл айтур, хар каю маслухга кўнма туъма деб,  
Мисли окил кил каноат, ема мурдор, эй кўнгул.

Барча аъзодур раият юрса исён йўлига,  
Таъзир айлаб яхший йўлдин кил хабардор, эй кўнгул

Барча аъзо шохисан, ўлтири адолат тахтига,  
Бўлмагайсан хашир аро шармандаи зор, эй кўнгул.

Калби мўминники байтулло демиш, кил эҳтиёт,  
Бу Муаззам калбидин хам бўл хабардор, эй кўнгул.

## ТОПИШМОКЛАР

\* \* \*

Бу на луъбатдур, де менга зуфунун,  
Бўйни эгри, комати эрмиш забун.  
Мохвашлар лаълин ўпган чогида

Нола айлар хохи кундуз, хохи тун.  
(чанковуз)

\* \* \*

Чикмиши сўи само,  
Емиши боди сабо.  
Риштаи жонини мазбуд  
Ушласанг бергай садо.  
(варрак)